# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 208320 на приобретение Услуга по текущему ремонту магистрального канала

Способ проведения электронный

Дата 16.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 14:28

Конкурсная комиссия Туракургон тумани ирригация булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABDULLAYEV ILXOMJON ABDUMALIKOVICH | Директор | Туракургон туман иригация булими |
| **Секретарь комиссии** | JAKBAROV SARDOR UMARALIYEVICH | Бош мухандис | Туракургон туман ирригация булими |
| **Член комиссии** | BAXRIDDINOV UMIDJON TURSUNBAYEVICH | Булим мутахассиси | Туракургон |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV TOLIBJON MAXAMMATXOLIQ O‘G‘LI | Бош гидротехник | Туракургон туман ирригация булими |
| **Член комиссии** | ORIFJONOV ABDULLA NURILLO O‘G‘LI | Бош гидрометр | Туракургон ттуман ирригация булими |
| **Член комиссии** | JO‘ROXONOV XORUNXON BOXODIR-O‘G‘LI | Директор уринбосари | Туракургон туман ирригация булими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.12.2022 года № лота 208320.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 45

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту магистрального канала** |
|---|---|
| Подробное описание | Наманган вилояти Туракургон туман ирригация булими балансидаги Туракургон машкаланинг ПК32+10 дан ПК39+70 гача бўлган қисмини таъмирлаш ва Туракургон машканал ПК45+41 дан 51+20 гача, ПК156+10 , Богибаланд каналидаги ПК24+25, ПК86+47, Калвак ПК20+30, 8+50, Турикстон -2 ПК6+25, Кодиробод ПК0+00, Ковушкон ПК32+35, 37+00, 56+18, Куш арик 0+00, Чумич ПК33+35, 37+00 гидроиншоотлани таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | усл. ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 570 744 403.00 |
| Стартовая сумма | 570 744 403.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойха смета хужжатларини ишлаб чикиш жараёнида ердамчи лойха ташкилотини жалб килиш тугрисида маълумот (Форма 8)

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойха смета хужжатларини ишлаб чикиш жараёнида ердамчи лойха ташкилотини жалб килиш тугрисида маълумот (Форма 8)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 1 | файлда мавжуд | 1 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 1 | ердамчи лойха ташкилотини жалб килиш тугрисида маълумот | 1 | Экспертная | | |

Критерий №2 Лойхачи ташкилотнинг ташкилий структураси (Форма 2)

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойхачи ташкилотнинг ташкилий структураси (Форма 2)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 3 | Лойхачи ташкилотнинг ташкилий структураси | 2 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 3 | файлда мавжуд | 3 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот. (Форма 3)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот. (Форма 3)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 10 | Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот. | 8 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 10 | файлда мавжуд | 9 | Экспертная | | |

Критерий №4 Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот (Форма 7).

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот (Форма 7).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Бэлл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 5 | Мавжуд техника ва механизмлар | 4 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 5 | Мавжуд техника ва механизмлар | 4 | Экспертная | | |

Критерий №5 Qurilish toifasida reyting darajasiga ega bo'lgan tashkilot bo'linishi kerak

Тип: Текстовое значение

Описание: Qurilish toifasida reyting darajasiga ega bo'lgan tashkilot bo'linishi kerak

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 20 | файлда мавжуд | 17 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 20 | файлда мавжуд | 19 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг бажарган иш тажрибаси (Форма-5)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг бажарган иш тажрибаси (Форма-5)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 20 | 3 йиллик иш тажрибаси | 17 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 20 | Танлов иштирокчисининг бажарган иш тажрибаси | 18 | Экспертная | | |

Критерий №7 Декларация (Форма 1)

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация (Форма 1)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 4 | Декларация (Форма 1) | 3 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 4 | файлда мавжуд | 4 | Экспертная | | |

Критерий №8 Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот (Форма 6)

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот (Форма 6)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 12 | Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги | 9 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 12 | Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот | 12 | Экспертная | | |

Критерий №9 Танлов иштирокчисининг молиявий холати (Форма-4)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий холати (Форма-4)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 15 | файлда мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 15 | Молиявий курсаткичлари | 14 | Экспертная | | |

Финансовое значение

**Наименование товара: Услуга по текущему ремонту магистрального канала**

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 570 744 403.00 | 569 248 494.00 UZS | 569 248 494.00 | 00.00 | 569 248 494.00 |
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 570 744 403.00 | 570 100 600.00 UZS | 570 100 600.00 | 00.00 | 570 100 600.00 |
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 570 744 403.00 | 569 248 494.00 UZS | 569 248 494.00 | 00.00 | 569 248 494.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 570 744 403.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 569 248 494.00 UZS | 569 248 494.00 | 00.00 | 00.00 | 569 248 494.00 | 15.12.2022 15:24:57 | 10 |
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 570 100 600.00 UZS | 570 100 600.00 | 00.00 | 00.00 | 570 100 600.00 | 15.12.2022 14:40:45 | 9.98505 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ** | 83.9997 | 10 | 93.9997 |
| **НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ** | 71.0001 | 9.98505 | 80.98515 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 208320 от 16.12.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту магистрального канала определила победителем:

NAMANGAN MELIO SUVQURILISH MCHJ
204116534

и резервный исполнитель: НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ ( 203076934 )

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABDULLAYEV ILXOMJON ABDUMALIKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BAXRIDDINOV UMIDJON TURSUNBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV TOLIBJON MAXAMMATXOLIQ O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ORIFJONOV ABDULLA NURILLO O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | JO‘ROXONOV XORUNXON BOXODIR-O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# М У Х О К А М А   А Х Б О Р О Т И

“21” декабр 2022 йил  Тўрақўрғон туман

Наманган вилояти худудидаги Тўрақўрғон туман ирригация бўлими томонидан 2022 йил “16” декабрдаги №22110012208320- сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Тўрақўрғон туман ирригация бўлимига қарашли хўжаликлараро каналларни жорий таъмирлаш тиклаш ишлари режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди.

Танловда **“Насос таъмир” МЧЖ, “Наманган Мелио Сув Курилиш”МЧЖ,** номли пудратчи ташкилотлардан таклифлар келиб тушди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **“Наманган Мелио Сув Курилиш” МЧЖ** томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Захира ғолиби эса **“Насос таъмир” МЧЖ** топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди.Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Тўрақўрғон туман ирригация бўлими бошлиғи:** **И.Абдуллаев**

**Хисобчи** **С.Жакбаров**

# № 11 - С О Н Л И ПУДРАТ Ш А Р Т Н О М А С И (КОНТРАКТ)

__21__ **Декабр 2022 йил** **Тўрақўрғон.ш**

Келгуси ўринларда «**Бош Пудратчи**» деб юритиладиган **"Наманган Мелио Сув Қурилиш" МЧЖ** рахбари **Д.Каримов** бир томондан, хамда келгуси ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган **«Тўрақўрғон ирригация бўлими»** ва устав асосида фаолият курсатадиган унинг рахбари **И.Абдуллаев** иккинчи томондан, “Наманган вилояти Тўрақўрғон туман ирригация бўлими балансидаги Тўрақўрғон машкаланинг ПК32+10 дан ПК39+70 гача бўлган қисмини таъмирлаш ва Тўрақўрғон машканал ПК45+41 дан 51+20 гача, ПК156+10 , Богибаланд каналидаги ПК24+25, ПК86+47, Калвак ПК20+30, 8+50, Турикстон -2 ПК6+25, Кодиробод ПК0+00, Ковушкон ПК32+35, 37+00, 56+18, Куш арик 0+00, Чумич ПК33+35, 37+00 гидроиншоотлани таъмирлаш” иши учун пудрат шартномаси (контракт)ни туздилар.

## 1. *Шартнома предмети.*

Мазкур шартнома (контракт) да қўлланадиган тушунчалар қуйидагича:
***«Шартнома (контракт)»*** : - Келгуси ўринларда шартнома (контракт) деб юритиладиган:
Бош пудратчи ва Пудратчи имзо чекадиган барча кафолатлар, иловалар, қурилиш жараёнида томонлар имзо чекишлари мумкин бўлган қўшимчалар ва ўзгаришлар акс эттирилган мазкур хужжат.
«***Муваккат иншоатлар***»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва қурилишни бошлаш хамда якунлаш учун зарур бўлган хамма турдаги муваккат иншоатлар.
***«Курилиш майдони»*** Мазкур шартнома доирасида ер участкасини Бош пудратчи Пудратчи га далолатнома берилганда, объектнинг курилиш майдони чегараси ураш ёки бош режага асосан урнатиладиган бошка белгилар билан билдириб куйилади.
***«Ишлар»***: - Пудратчи томонидан мазкур шартнома (контракт) шартларига мувофик бажарилиши лозим булган ишлар. Курилиш, монтаж ва созлаш, ишга тушириш, камчиликларни бартараф этиш хам шунга киради.
***«Яширин ишлар»***: - ишлар ва конструкциялар ва бутловчи буюмларнинг техник шарти ва паспортлари, тайёрловчи заводдан олинган хужжатлар, техник вазифаларга мувофик ишлаб чикилган ва ишларни бажариш хамда объектни ишлатиш учун зарур булган бошка хужжатлар.
***«Ижро хужжатлари»***: - объект курилиши учун ишчи чизмалари комплекта: бажарилган асли ишларнинг шу чизмаларга мувофик келиши ёки ишлар бажарилиши учун маъсул булган шахс томонидан уларга киритилган узгартиришлар хакидаги ёзувлар; ишларни бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи сертификатлар, техник паспортлар ва бошка хужжатлар; яширин ишлар гувохлиги хакида хамда алохида маъсулиятли конструкцияларни ораликда кабул килиш хакидаги далолатномалар; монтаж килинган жихозларнинг якка тартибда синаб курилгани хакидаги гувохномалари; иш юритиш журналлари хамда курилиш меъёри ва коидаларида кузда тутилган бошка хужжатлар.
«***Маъкуллаш***»: - Бош пудратчи ва Пудратчи томонидан ёзма равишдаги тасдиклаш. Контракт нархини булиш: Шатрнома буйича объектни умумий кийматини этапларга булиш хар-бир боскични кийматини аник белгиланиши.

## 2. *Шартнома (контракт) нинг мазмуни*

Пудратчи мазкур шартнома (контракт) нинг 3-моддасида кайд этилган нарх хисобидан таваккал килиб шахсий ва жалб этилган кучлар билан шартнома (контракт) даги Бош пудратчи вазифаси ва

буюртмачининг лойиха хужжатларига мувофик, иншоатнинг тўла курилиши ва меъёрида ишлатилиши учун зарур булган эхтимол тутилган ишларни кушган "Наманган вилояти Туракургон туман ирригация булими балансидаги Туракургон машкаланинг ПК32+10 дан ПК39+70 гача бўлган қисмини таъмирлаш ва Туракургон машканал ПК45+41 дан 51+20 гача, ПК156+10 , Богибаланд каналидаги ПК24+25, ПК86+47, Калвак ПК20+30, 8+50, Турикстон -2 ПК6+25, Кодиробод ПК0+00, Ковушкон ПК32+35, 37+00, 56+18, Куш арик 0+00, Чумич ПК33+35, 37+00 гидроиншоотлани таъмирлаш" ишларини бажаради.

## 3. *Шартнома (контракт) буйича ишларнинг нархи*

**3.1.** Мазкур шартнома (контракт) буйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган курилиш нархи ККС билан 569 248 494 **(Беш юзи олмиш туккиз миллион икки юз қирк саккиз минг тўрт юз тўқсон тўрт)** сумни ташкил этади.

**3.2.** Курилиш нархи ва муддати мазкур шартноманинг 3 модданинг 3.1 пунктига ва 6 модданинг 6.1 пунктига асосан узил-кесил хисобланади ва куриб чикилмайди, куйидаги холатлардан ташкари:

**3.2.1.** Курилиш киймати ва муддатини усишига ёки шу параметрлардан бартараф этиб булмайдиган кучлар (форс-мажор) холати сабаб.

**3.2.2.** Бош пудратчи иш хажмларини узгартириши.

**3.2.3.** Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилга, мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланган молиялаштириш ва ишлаб чикариш графиги асосида аникланади.

**3.2.4.** Юкоридаги кайд этилган узгартиришлар асослигини мос келиши Бош пудратчи ва Пудратчи уртасида кушимча келушув билан расмийлаштирилиши керак.

## 4. *Пудратчининг мажбуриятлари*

Пудратчи мазкур шартнома (контракт) буйича 3-моддада кузда тутилган нарх хисобида ишларни бажариш учун:

**4.1.** Уз кучлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва унинг иловаларида кузда тутилган хажмда ва муддатда бажаради ва объектни ишлатиш имконини берадиган холатда Бош пудратчига топширади.

**4.2.** Курилиш майдонига курилиш учун зарур булган материаллар, жихозлар, буюмлар, конструкциялар, бутловчи буюмлар , курилиш техникаларни келтириб куяди, туширади ва тахлаб куяди. Курилиш учун зурур булган барча материаллар, жихозлар, асбобо-ускиналар ва буюмларни таъминлаш Пудратчи зиммасида булади. Шу уринда Пудратчи табиий ресурсларининг камайиши окибатида худуддаги гидрогеологик шароитнинг узгариши учун жавобгар хисобланмайди.

**4.3.** Уз кучлари ва воситалари билан курилиш майдони худудида материалларни саклаш ва мазкур шартнома (контракт) буйича ишлари адо этиш учун зарур булган барча муваккат иншоатларни барпо этади.

**4.4.** Буртмачини Пудратчилар билан пудрат шартномаси (контракт) тузилганлиги хакида улар тузилишига караб хабардор этади. Ахборотда шартнома (контракт) нинг мазмуни, Пудратчининг номи ва манзили баён этилган булиши даркор.

**4.5.** Буюртмачи олдида унинг Пудратчилари томонидан мазкур шартнома (контракт) буйича тегишли ишларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

**4.6.** Ишларни бажариш чогида техника хавфсизлиги, атроф мухити, кукаламзорлар ва ерларни мухофаза этиш буйича курилиш майдонида зарур булган тадбирлар бажарилишини таъминлайди хамда объектни назорат қилувчи органлар (ГАСН,Бош буюртмачи ва бошқалар) томонидан қўйилган барча талаблар пудратчи томонидан бартараф этилади.

**4.7.** Курилиш таваккалчилиги сугуртасини амалга оширади.

**4.8.** Курилиш тугалланган объектни кабул килиш хакидаги далолатномага имзо чекилгандан кейин бир хафта муддат ичида узига тегишли булган курилиш машиналари ва жихозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускиналари, курилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини курилиш майдони ташкарисига чикаради, курилган мувакат бино ва иншоатларни бузиб, ташиб олиб кетади.

**4.9.** Курилиш майдони курикланиши амалга оширади.

**4.10.** Мазкур шартнома (контракт) даги бошка моддаларда кузда тутилган барча мажбуриятларни тула хажмда бажаради.

**4.11.** Хизмат курсатувчи банкда бунак (аванс) тулаш учун урнатилган тартибда максадли хисоб раками очади.

## 5. Бош пудратчининг мажбуриятлари

Бош пудратчи мазкур шартнома бажариш учун:

**5.1.** Мазкур шартнома (контракт) га имзо чекилгач, уч кун ичида Пудратчига объектни куриш ва уни охирига етказишгача булган даврда иш бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини Пудратчи ва Буюртмачи имзо чекан далолатнома буйича топширади.

**5.2.** Пудратчига ушбу шартнома (контракт) имзо чекилган санадан эътиборан ун кун муддат ичида лойиха хужжатларини тула хажмда, муддатда ва таркибда такдим этади. Буюртмачи томонидан такдим этиладиган лойиха хужжатлари курилиш меъёрлари ва коидаларига мувофик тузилган ва тасдикланган булиши даркор.

**5.3.** Пудратчига бажарган ишлари учун мазкур шартнома (контракт) нинг 3 ва 7-моддаларида кузда тутилган тартибда хак тулайди.

**5.4.** Пудратчига мазкур шартнома (контракт) га имзо чекилган кундан эътиборан 15 кун мобайнида бу объектни кабул килиб олиши учун зарур булган ижро хужжатлар руйхатини беради.

**5.5.** Мазкур шартнома (контракт) нинг бошка моддаларида кузда тутилган уз мажбуриятларини тула хажмда бажаради.

Агар Бош пудратчи мазкур шартнома (контракт) да тугилган уз мажбуриятларининг барчасини бажармаган ва бу объект курилиш буйича ишлар бажаришининг кечикишига олиб келган такдирда Пудратчи ишларни тугатиш муддатини тегишли даврга узайтириш хукукига эга булади ва объекни фойдаланишга топширишнинг шу утиб кетган муддати учун жарима тулашдан озод этилади. Шундай холатларда томонлар кушимча харажатларни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни курадилар.

**5.6.** Мазкур шартнома (конрактни) ажралмас кисмлари деб хисобланган ишларни бажариш жадвали (1-илова) га ва молиялаштириш жадвали (2-илова) га мувофик курилишни молиялаштиришини таъминлайди.

## 6. *Ишларни бажариш муддати*

**6.1.** Қурилишнинг давом этиш муддати бўнак маблағлари билан молиялаштирилган кундан бошлаб 15 кунни ташкил этади. Объектни куриб битказиш муддати 2022 йилнинг “31” декабр кунигача деб белгиланади.

**6.2.** Мазкур шартнома (контракт) ни амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## *7. Туловлар ва хисоб-китоблар*

**7.1.** Бош пудратчи Пудратчига шартнома (контракт) буйича бажариладиган ишларни кийматининг 30 фоиз хажмида олдиндан бунак утказади. Ушбу бунак шартнома(контракт) имзоланган санадан бошлаб 6 кун банк ичида Пудратчига утказилиб берилади.

**7.2.** Пудратчи хисоб ракамига тушадиган маблагларни курилишда материал, техника ресурслари билан таъминлаётган ташкилотларга тулаш учун катъий сарфланади.

**7.3.** Курилиш ишларини бажариш учун хисоб-китоб контракт нархи асосида ва бунакларни, Бош пудратчи томонидан етказиб берилган курилиш материаллари ва жихозларни хисобга олган холда хар ойнинг охиригача, бажарилган ишлар далолатномасига асосан (Ф-2 ва Ф-3) амалга оширилади. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2 ва Ф-3) пудратчи томонидан такдим этилади, Буюртмачи далолатномани куриб чикиб 4 кун муддат ичида тасдиклайди еки асослантирилган холда рад этади, бажарилган ишлар далолатномаси такдим этилиб курсатилган муддат утгандан сунг буюртмачи далолатномани тасдикламаса еки асослантриб рад этмаса, далолатнома тасдикланган хисобланади.
**7.4.** Пудратчи Бош пудрачига мазкур шартномадаги 3.1 бандида кўрсатилган умумий суммадан ҚҚС сиз 2% воситачилик ҳаққи тўлайди.

### *8. Ишларни олиб бориш*

**8.1.** Бош пудратчи курилиш майдонига уз вакили-Мухандис (келгуси уринларда Мухандис деб юритилади) ни тайинлайди. Мухандис Бош пудратчи номидан Пудратчи билан биргаликда ишларни бажариш учун далолатномаларни расмийлаштиради, ишларнинг бажарилиши устидан техник кузатув ва назоратни амалга оширади, шунингдек шартнома (контракт) ва лойиха хужжатлари шартларига кура Пудратчи томонидан материаллар ва жихозлардан фойдаланишни текшириб боради. Мухандис ишларнинг барча турига уларни бутун бажариш даврида ва иш вактининг хохлаган пайтида кириб бориш хукукига эга.
**8.2.** Пудратчи мазкур шартнома (контракт) нинг 6-моддасида курсатилган муддат билан богланган уз режалари ва график буйича ишларни мустакил равишда ташкил этади.
**8.3.** Объектда ишларни юритиш тартибини ва унга амал килишни, давлат назорат органлари билан келишувни Пудратчи амалга оширади.
**8.4.** Пудратчи у курилиш учун куллайдиган курилиш материаллари, жихозлари ва бутловчи буюмлари, конструкция ва системалар сифатининг лойиха хужжатида курсатилган хусусиятларига, давлат андозасига, техник шартларга мос келишини ва техник паспортга, сертификатга ёки уларнинг сифатига гувохлик берувчи бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.
**8.5.** Пудратчи алохида маъсулятли конструкциялар ва яширин ишларни уларнинг тайёрлигига караб кабул бошланишидан икки кун олдин Бош пудратчини ёзма равишда хабардор этади.
Кабул килинадиган конструкция ва ишларнинг тайёрлиги маъсулятли конструкцияларни ораликда кабул килиш далолатномасига ва яширин ишлар гувохлигини берувчи далолатномага Бош пудратчи ва Пудратчи томонидан чекиладиган имзо билан тасдикланади.
Пудратчи шундан кейинги ишларни факатгина Бош пудратчининг ишларни адо этиш журналига киритилган ёзма рухсатномасидан сунггина бажаришга киришади.
Агар ёпик ишлар Бош пудратчи тасдигисиз бажарилган ёки у бу хакда хабардор килинмаган ёхуд кечикиб хабардор килинган такдирда у холда Пудратчи унинг талаби буйича уз хисобидан Бош пудратчи курсатмасига биноан хохлаган яширин ишларни очиб, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.
**8.6.** Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташган куча ва йулакларни тозалаш ва озодалигини таъминлаш, майдондан курилиш даврида ва Бош пудратчи курсатган жойга курилиш чикиндиларини чикариб ташлаш ишларини амалга оширади.
**8.7.** Пудратчи иш бошлаган лахзадан бошлаб у тугагунга кадар иш юритиш журнали юритади. Унда бутун ишларнинг бориши, шунингдек Бош пудратчи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятли булган ишларнинг бориши билан боглик барча фактлар ва холатлар уз аксини топади (ишнинг бошланиш санаси, олиб борилган синовлар, материалларни вактида етказиб бермаслик билан боглик узилишлар, курилиш техникаларининг сафдан чикиши, шунингдек курилишни узил-кесил тугатиш муддатига таъсир курсатувчи нима содир булса хаммаси хакида).
Агар Бош пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчи ёзувчилардан коникмаган такдирда, у холда уз мулохазаларини иш юритиш журналида баён этади. Пудратчи Бош пудратчи

томонидан журналда асосли курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда тузатиш мажбурияти юклатилади.

### *9. Мехнатни мухофаза этиш*

**9.1.** Пудратчи курилиш бошланишидан тугагунга ва Бош пудратчи томонидан курилиш якунланган объект кабул килингунга кадар уралган курилиш майдони худудидаги материаллар, жихозлар, курилиш техникалари ва бошка мулкларнинг тегишлича мухофаза этилишини таъминлайди. Бош пудратчи курилиш майдонининг уралмаган худудини куриклаш учун курилиш даврига уз хисобидан курикловчи ходим сифатида икки кишини такдим этади ва курилиш майдонидан олиб чикиб кетиладиган барча нарсалар устидан назорат килиш мажбуриятларини уз зиммасига олади.

**9.2.** Объект кабул килингандан кейин курилган бинолар ва иншоатлар, шунингдек материаллар, жихозлар ва бошка мулкларнинг сакланиши учун жавобгарлик Буюртмачи зиммасига тушади.

### *10. Бартараф этиб булмайдиган куч холати.*

**10.1.** Томонлар мазкур шартнома (контракт) буйича мажбуриятларнинг кисман ёки тула ижро этилмай колгани учун агар у табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошка бартараф этиб булмайдиган бошка кучлар шароитида содир булса хамда бу холат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир курсатган такдирда жавобгарликдан озод буладилар.

Мазкур шартнома (контракт) буйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб булмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган окибат хукм сурган вактга мос равишда оркага сурилади.

**10.2.** Агар бартараф этиб булмайдиган куч вазияти ёки унинг окибати 3 ойдан ортик вактга чузиладиган булса Пудратчи ва Бош пудратчи курилишни давом эттириш учун кандай чора-тадбирлар куриш лозимлигини мухокама этадилар.

Агар томонлар икки ой мобайнида келишиб олганлари такдирда томонларнинг хар кайсиниси шартнома (контракт) бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

**10.3.** Буюртмачи тулов шартини бажармаслиги, Пудратчи учун «форс-мажор» холатига тенглашади.

### *11. Кафолат*

**11.1.** Пудратчи куйидагиларни кафолатлайди:

- мазкур шартнома (контракт) да белгиланган барча ишларни тула хажмда ва муддатда бажариш;
- барча ишларни Бош пудратчи такдим этган лойиха хужжатлари ва амалдаги меъёрларга мувофик сифатда бажариш;
- аниклаган камчилик ва нуксонларни уз вактида бартараф этиш;

**11.2.** Пудратчи камчиликларни тузатишни агар шу камчиликлар лойиха хужжатларнинг сифатсиз бажарилганлиги окибатида келиб чикмаган булса уз хисобидан тузатиб беради. Пудратчи лойиха хужжатлари асосида ишларни бажариб, ер ости сув ресурслари узгариши окибатида ичимлик суви камайишига, еки сув чикмаслигига кафолат бермайди.

**11.3.** Молиявий банкротлик ходисаси булса Бош пудратчи Пудратчига банк кафолатини ёки топширикномасини такдим этиш керак.

### *12. Лицензиялар (сертификатлар)*

**12.1.** Томонларга узлари етказиб берадиган хажмда ишларни бажариш ва объектни ишлатиш учун зарур булган материаллар, жихозлар, бутловчи буюмларга лицензия (сертификат) лар олиш билан боглик барча харажатларни зиммаларига олиш мажбурияти юклатилади.

## *13.Шартнома (контракт) ни бекор килиш.*

**13.1.** Бош пудратчи Пудратчи куйидаги холларда шартнома (контракт) бекор килинишини талаб этишга хакли:

- Пудратчи томонидан курилишни Бош пудратчига боглик булмаган сабабларга кура йигирма кундан зиёд кечиктирилганда;
- курилиш давомида Пудратчи айби билан курилишни тугаллаш муддати шартномада белгиланганидан 20 кундан зиёд утиб кетганда;
- Пудратчи томонидан шартнома (контракт) нинг лойихада кузда тутилган иш сифатининг пасайиб кетишига олиб келувчи шарти бузилганда;
- давлат органи томонидан Пудратчини иш юритишдан махрум этувчи амалдаги конунчилик доирасида, бошка конун хужжатларига асосан курилиш фаолияти учун лицензиялар бекор килинганда.
- Мазкур шартномада кузда тутилган жарима сакциясини пудратчи тулашдан бош тортса.

**13.2.** Пудратчи куйидаги холларда шартнома (контракт) бекор килинишини талаб этишга хакли:

- Бош пудратчи томонидан Пудратчига боглик, булмаган сабабларга кура 4 ойдан ортик муддат курилиш-монтаж ишлари бажарилиши тухтатиб куйилганда;
- Бош пудратчи томонидан лойиха хужжатларига узгартиришлар киритилиши муносабати билан курилиш киймати учдан бир хиссадан зиёд камайтирилганда;
- Бош пудратчи бундан буён курилишни молиялаштириш имкониятини йукотганда.
- Молиялаштириш шарти Бош пудратчи бажармаслиги (мазкур шартнома 7 моддасига асосан)

**13.3.** Шартнома (котракт) ни бекор килишга карор килган томон мазкур модда коидасига биноан иккинчи томонни ёзма равишда хабардор килади.

Пудрат шартнома (контракт) конунда белгиланган тартибда бекор килинади.

**13.4.** Шартнома (контракт) бекор килинганда айибдор томон иккинчи томонга бой берилганда кулай имкониятларни хам куйиш хисобланганда у курган зарарни тулайди.

**13.5.** Шартнома (контракт) ни бекор килиш хакидаги томонларнинг келишуви шартнома (контракт) даги каби шаклда амалга оширилади.

**13.6.** Шартнома (контракт) ижроси бир томонлама рад этилишига йул куйилмайди. Конунчиликда ва шартнома (контракт) да кузда тутилган холлар бундан мустасно.

## *14. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.*

**14.1.** Томонлардан биронтаси шартнома (контракт) мажбуриятини ижро этмаган ёки лозим даражада ижро этмаган такдирда уша томон:

- иккинчи томон курган зарарни тулайди;
- Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикасининг «Хужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-хукукий базаси тугрисида» ги конунда, бошка конунчилик хужжатларида ва мазкур шартнома (контракт) да кузда тутилган тартибда бошка жавобгарликка эгадир.

**14.2.** Бош пудратчи мажбуриятни бузганлиги учун шартнома (контракт) да белгиланган, иловалар ва бошка мажбуриятларда мос равишда курсатилган лойиха хужжатлари, жихозлар, материаллар ва буюмлари бериш муддати, бунак (аванс) туловини уз вактида туламаслик у Пудратчига мажбуриятининг ижро этилмаган кисмининг утказиб юборилган хар бир куни учун 0,4 % (фоизи) хажмида пеня тулайди, аммо бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган иш ёки хизмат кийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тулаш шартнома (контракт) мажбуриятини бузган томонни кечиктириб бажарилган иш ёки курсатилган хизмат окибатида келтирилган зарарни коплашдан озод этмайди.

**14.3.** Тулов талабномаси акцептидан асоссиз равишда тула ёки кисман рад этганлик шунингдек хисоб-китобларнинг бошка шакллардаги (банк муассасасига тулов топширикномасини такдим этмаслик чек бермаслик аккредитив куймаслик ва хокозо) ишларга хак тулашдан бош тортганлик

учун Бош пудратчи Пудратчига у туловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 15 фоизи хажмида жарима тулайди.

**14.4.** Пудратчи томонидан олган мажбуриятини бузганлик учун (мазкур шартнома (контракт) 6-моддасига асосан курилишни бошлаш ва якунлаш муддатини Бош пудратчи томонидан топилган камчиликлар ва чала ишларни бартараф этиш муддатини) у Бош пудратчига утказиб юборилган хар-бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай колган кисмининг 0,5 фоизи хажмида жарима тулайди. Аммо бунда умумий сумма бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги даркор. Пеня тулаш шартнома (контракт) мажбуриятини бузган томонни иш бажариш ёки хизмат курсатиш муддатини утказиб юбориши окибатида келтирилган зарарни коплашдан озод этмайди.

**14.5.** Пудратчи курилиш материалларни, жихозларни ва бутлаш буюмларни, конструкция ва тизим, курилишда куллаш учун, спецификацияга мос келади, курсатилган лойиха хужжатларига, давлат стандартларига, техник шартларига ва мос келадиган сертификатга, техника паспорти ёки бошка хужжатларга, уларни кониктирувчи сифатларига кафолатлайди.

Бош пудратчига таъминлаш юклатилган материал, буюмларни курсатилган талабларга мос келмаса, Пудратчи иш олиб бориш графигига хисобга олиб белгиланган муддатда Бош пудратчи алмаштириб беради.

Агар шартнома (контракт) асосан, бажарилган ишлар тасдикланган лойиха смета хужжатлари сифатга мос келмаса техник шартлар, ассортемент ва нав буйича бошка мажбурият шартларга мос келмаган такдирда, Бош пудратчи молларни олишдан ва уларга, ишларга хак тулашдан бош тортишга хакли, Пудратчидан сифати жавоб бермайдиган иш кийматининг 30 фоизи хажмида жарима ундиришга, агар молларга, ишларга хак тулаб куйилган булса белгилаган тартибда туланган суммани кайтаришни талаб килишга хакли.

Жарима жадвалининг тулов талабномаси банк муассасасига сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган моллар, ишлар хакида далолатнома тузилгандан кейин 15 кундан кечикмай такдим этилиш лозим. Жарима жадвалининг тулов талабномаси белгиланган 15 кунлик муддат бузилган тарзда такдим этилган такдирда жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**14.6.** Мазкур моддада кузда тутилган жазодан ташкари пудрат шартнома (контракти) буйича мажбуриятни адо этмаганлик учун шартнома (контракт) ни бузган томон иккинчи томонга копланмаган пеня, зарар иккинчи томон сарфланган харажатлар, йукотишлар ёки унинг мулкига етказилган шикаст суммасини бой берилган кулай имкониятларни хам кушиб тулайди.

Муддатини утказиб юборганлик ёки мажбуриятлиги етарли даражада уддаламаганлик учун пеня тулаш томонларни табиий равишда ушбу мажбуриятини бажаришда озод этмайди.

**14.7.** Шартнома (контракт) ни ижро этмаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун, жавобгарлик агар шартномада узгача кузда тутилмаган булса Узбекистон Республикаси фукаролик кодексига асосан, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугриси» даги Конунининг 35 моддасига асосан аникланади.

### *15.Алохида шартлар*

**15.1.** Мазкур шартнома (контрактга) имзо чекилгандан кейин томонлар уртасидаги мазкур шартнома (контракт) га дахлдор олдинги барча ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, музокаралар, агар улар мазкур шартнома (контракт) га зид келган такдирда уз кучини йукотади.

**15.2.** Пудратчи Бош пудратчининг ёзма рухсатномасиз объектни ёки унинг алохида бир кисмини куриш учун лойиха хужжатларини хеч кандай учунчи шахсга сотиш ёки утказиш хукукига эга эмас.

**15.3.** Мазкур шартнома (контракт) га киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштириш, томонлар имзо чеккан булсалар хакикий деб хисобланади.

**15.4.** Бош пудратчи ва Пудратчи уртасида ушбу шартнома (контракт) дан келиб чикмадиган ва янгича холатларни вужудга келтирадиган хар кандай ахдлашувлар мазкур шартнома (контракт) киритиладиган кушимча ва узгаришлар шаклида булиши ва улар томонлар томонидан тасдикланган булиши даркор.

**15.5.** Агар Пудратчи шартнома (контракт) буйича курилишни тугатгандан кейин курилиш майдонида унга тегишли материалларни колдирса Бош пудратчи Пудратчига бажарган ишлари учун хак тулашни курилиш майдонини бушатгунга кадар тухтатиб туради.

**15.6.** Мазкур шартнома (контракт) да кузда тутилмаган барча колган масалаларда Узбекистон Республикаси конунчилик меъёрлари кулланилади.

### *16. Шартнома (контракт) нинг хукукий экспертизаси*

**16.1.** Шартнома (контракт) нинг мазмуни уни тузишга тайёрлаш жараёнида юридик хизмат субъектлари ёки жалб этилган адвокатлар томонидан конунчиликка мувофик келиши текширилган булиши даркор.

Улар имзосисиз ёки хулосасиз шартнома (контракт) тузишга йул куйилмайди.

16.2. Шартнома (контракт) танлов хужжатида кузда тутилган шартлар асосида (имзоланиши) тузилиши лозим, хеч кайси бир томон иккинчи томоннинг розилигисиз Узбекистон Республикаси конунчилиги доирасида тузилган мазкур шартнома (контракт) га узгартириш ва бошка бир таклифлар киритиш хукукига эга эмас.

17.3. Буюртмачи голиб ташкилотнинг розилигисиз, танлов хужжатларида кузда тутилган шартнома (контракт) шартлари Узбекистон Республикаси конунчилиги доирасида шартнома (контракт) тузишдан бош тортган холларда ғолиб ташкилот иқтисодий судига мурожаат килиш хукукига эга.

### *17. Бахсларни хал этиш тартиби*

**18.1.** Шартнома (контракт) тузиш, ижро этиш, узгартириш ва бекор, шунингдек келтирилган зарарни коплаш чогида томонлар уртасида вужудга келадиган бахслар конунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан караб чикадиган.

### 18. Томонларнинг реквизитлари:

**Буюртмачи**
**"Тўрақўрғон туман ирригация бўлими"**
Манзил: Бахт мфй Шодлик кўча 70-уй
Банк: Марказий банк
Х/Р: 100022860142247042170001
ИНН: 207264437 МФО: 00014
Ўз.Респ.Молия Вазирлиги Ғазначилиги Тошкент ш.Марказий банк Бош бошқармаси ХККМ
МФО: 00014 ИНН:201122919

**Директор** **И.Абдуллаев**

**Пудратчи**
**«Наманган мелио сув курилиш» МЧЖ**
**Манзил:**Чаманзор массиви Насос кўчаси 3
**АТБ Қишлоқ қурилишбанк Наманган филиали**
**х/р** 20208000904197661001
**МФО:** 00229
**ИНН:** 204116534
**ОКНХ:** 61133

Д. Каримов

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

JY3340801117

1. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi:

**Namangan "Melio Suv qurilish" MCHJ va tuman Irrigatsiya bo`limi o`rtasida pudrat shartnomasi tuzish to`g`risida**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Turaqorg‘on tumani Irrigatsiya bo‘limi tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**To‘raqo‘rg‘on tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**M.I.IZBOSAROV**

19.12.2022

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"NAMANGAN MELIO SUVQURILISH" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"NAMANGAN MELIO SUVQURILISH" MCHJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

204 116 534

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

20.09.2005

Sana

390

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Faoliyat yuritadigan manzil:

NAMANGAN VILOYATI, NAMANGAN SHAHRI, MARG'ILON KO'CHASI

Tomonidan berilgan:

NAMANGAN SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

203067